8. Хизмат текшируви раҳбарини тайинлашдан олдин Комплаенс департаменти текширилаётган Муаммо бошқа текширилаётган ёки муқаддам текширилган иш билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини аниқлаш мақсадида ТБТ маълумотларини ўрганиб чиқиши лозим.

9. Ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини оришиш мақсадида бир-бири билан ўзаро боғлиқ муаммолар айнан битта Хизмат текшируви раҳбарига топширилиши тахмин қилинади. Бироқ текширилаётган Муаммонинг салоҳиятли аҳамияти, мумкин бўлган таъсири ва махфийлигидан келиб чиқиб, бошқа ресурслардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Қўшимча билдиришлар

10. Хизмат текшируви раҳбари бевосита Комплаенс департаменти томонидан тайинланганидан кейин у қуйидаги ҳаракатларни бажариши лозим:

– агар текширилаётган муаммо тўғрисидаги маълумотларни Компаниянинг ички аудит хизматида ошкор қилиш талаб қилинса, текширилаётган муаммо тўғрисида корпоратив ва

внутреннего аудита Компании;

– уведомить юридическое управление Компании о расследуемой Проблеме, если в результате расследуемой Проблемы могут быть возбуждены судебные иски или приняты правоприменительные меры;

– в случае обоснованной необходимости представить заинтересованным лицам Компании или Подконтрольного предприятия доступ к СУР для мониторинга и надзора за ходом служебного расследования;

– принять предварительные или безотлагательные меры (если такая возможность не рассматривалась ранее и такие меры не были приняты в ходе Действия 1);

– в случае необходимости, привлечь внешние ресурсы для помощи в служебном расследовании;

– в случае необходимости, совместно с юридическим управлением Компании раскрыть информацию о Проблеме правоохранительным органам.

11. Кроме того, Руководитель служебного расследования должен безотлагательно уведомить Департамент по комплаенсу и Юридическое управление Компании если, в ходе служебного расследования, он узнает о существовании каких-либо фактов или обвинений, информация о которых:

– может быть раскрыта Службе внутреннего аудита Компании;

– может повлечь за собой возбуждение судебных исков или принятия правоприменительных мер.

12. Чтобы помочь Руководителю служебного расследования в рассмотрении вышеизложенного, Департамент по комплаенсу и Юридическое управление Компании разработали короткий список вопросов, который можно применять во время всех служебных расследований. Если ответ на любой из следующих вопросов «Да», Руководитель служебного расследования должен немедленно уведомить Департамент по комплаенсу об этом:

1) Фигурирует ли в служебном расследовании Государственный служащий (или его близкий

мулкий муносабатлар бошқармасига хабар бериш;

– агар Муаммони текшириш натижасида суд даъволари кўзғалган ёки ҳуқуқий чоралар қўлланилган бўлса, текширилаётган Муаммо тўғрисида Компаниянинг юридик бошқармасини хабардор қилиш;

– асосли зарурат туғилган ҳолларда хизмат текшируви жараёнини кузатиш ва назорат қилиш учун Компания ёки Назорат остидаги корхонанинг манфаатдор шахсларига ТБТга кириш ҳуқуқини тақдим этиш;

– дастлабки ёки шошилинч чораларни қўллаш (агар бундай имконият аввал кўриб чиқилмаган ва 1-амал доирасида бажарилмаган бўлса);

– зарурат туғилганда хизмат текширувида кўмаклашиш учун ташқи ресурсларни жалб этиш;

– зарур ҳолларда Компаниянинг Юридик бошқармаси билан биргаликда Муаммо тўғрисидаги маълумотни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ошкор қилиш.

11. Бундан ташқари, Хизмат текшируви раҳбари, хизмат текшируви жараёнида:

– Компаниянинг Ички аудит хизматида маълумотни ошкор қилиш эҳтимоли бўладиган;

– муаммо натижасида суд даъволарини кўзғаш ёки ҳуқуқий чораларни қўллаш мумкин бўладиган ҳолларни келтирадиган бирор-бир факт ёки айбловлардан хабар топса, зудлик билан Компаниянинг Комплаенс департаменти ва Юридик бошқармасига маълум қилиши керак.

12. Компаниянинг Комплаенс департаменти ва Юридик бошқармаси Хизмат текшируви раҳбарига юқоридагиларни кўриб чиқишда кўмаклашиш мақсадида барча хизмат текширувлари жараёнида қўллаш мумкин бўлган саволлар рўйхатини тузиб чиқди. Агар қўйидаги саволларнинг бирортасига жавоб “Ҳа” бўлса, хизмат текшируви раҳбари зудлик билан бу ҳақда Комплаенс бошқармасини хабардор қилиши керак:

1) Хизмат текширувида Давлат хизматчиси(ёки унинг яқин қариндоши)нинг алоқаси борми?

родственник)?

- 2) Фигурирует ли в служебном расследовании политический деятель, включая бывших Государственных служащих и приближённых к ним лиц, которые могут повлиять на решения правительства?
 - 3) Фигурирует ли в служебном расследовании полностью или частично Государственная организация?
 - 4) Фигурируют ли в служебном расследовании вопросы, связанные с получением, удержанием, пролонгацией лицензии, разрешения или незавершённые судебные разбирательства?
 - 5) Существует ли основание подозревать, что в служебном расследовании может предполагать взятку Государственному служащему или предложение, обещание, ходатайство или согласие заплатить взятку Государственному служащему?
 - 6) Фигурирует ли в служебном расследовании возможность коммерческого подкупа или предложение, обещание, ходатайство или соглашение о выплате коммерческого подкупа?
 - 7) Фигурирует ли в служебном расследовании «платёж для упрощения формальностей», включая любые небольшие выплаты Государственному служащему для ускорения выполнения правительственных действий?
 - 8) Фигурирует ли в служебном расследовании неточная регистрация платежей или другие несоответствия бухгалтерского учета, связанные с каким-либо ненадлежащим платежом Государственному служащему?
- 2) Ҳукумат қарорига таъсир ўтказа оладиган сиёсий арбоб, жумладан, собиқ Давлат хизматчилари ва уларга яқин шахсларнинг хизмат текширувига алоқаси борми?
 - 3) Давлат ташкилотининг хизмат текширувига тўлиқ ёки қисман алоқаси борми?
 - 4) Хизмат текширувида рухсатномани, лицензияни олиш, ушлаб қолиш, муддатини узайтириш ёки яқунланмаган суд низолари билан боғлиқ бўлган совоплар мавжудми?
 - 5) Хизмат текширувида Давлат хизматчисига пора бериш ёки унга пора таклиф этиш, ваъда бериш, илтимос қилиш ёки розилик билдиришни назарда тутувчи шубҳаларга асослар мавжудми?
 - 6) Хизмат текширувида тижорат порасини бериш ёки тижорат порасини тўлаб бериш тўғрисида таклиф, ваъда, илтимос ёки розилик мавжудми?
 - 7) Хизмат текширувида “расмиятчиликни содалаштириш учун тўлов”, жумладан, Давлат хизматчисига ҳукуматга оид ҳаракатларнинг бажарилишини тезлаштириб бериш учун ҳар қандай кичик тўлов мавжудми?
 - 8) Хизмат текширувида тўловларни рўйхатдан ўтказишда ноаниқлик ёки бухгалтерлик ҳисобларида Давлат хизматчисига бирон-бир нолойиқ тўлов билан боғлиқ бўлган номувофиқликлар мавжудми?

ШАБЛОН плана служебного расследования

Шаблон приводится в качестве рекомендации. Руководитель служебного расследования готовит план по собственному усмотрению и может изменить шаблон по мере необходимости. План служебного расследования рекомендуется пересматривать и обновлять по мере поступления дополнительной информации.

I. Краткое описание

Дайте краткое описание рассматриваемой проблеме, источнику сообщения о нарушении, а также расследуемым обвинениям.

II. Сфера охвата служебного расследования

На каких вопросах сосредоточено служебное расследование? Следует ли исключить из сферы охвата служебного расследования какие-либо обвинения или часть какого-либо обвинения? Если да, укажите причины.

III. Рассматриваемые принципы комплаенс-политик и процедур, а также правовые нормы

Укажите со ссылкой на соответствующие положения, принципы комплаенс-политик и процедур Компании, с которыми связано служебное расследование (например, положения Кодекса поведения сотрудников, Политики по конфликтам интересов, о противодействии взяточничеству и коррупции, Процедуре комплексной проверке Деловых партнеров).

IV. Группа по проведению служебного расследования

Кто является Руководителем служебного расследования?

Есть ли другие заинтересованные лица, которых необходимо информировать о ходе служебного расследования? Есть ли необходимость в привлечении юридического управления Компании?

Будут ли привлекаться к служебному расследованию внешние ресурсы, специалисты по бухгалтерской экспертизе, другие эксперты и независимые третьи лица? Если да, то кто

Хизмат текшируви режасининг ШАБЛОНИ

Шаблон тавсия сифатида келтирилган. Хизмат текшируви раҳбари режани ўз ихтиёрига кўра тайёрлайди ва эҳтиёжга қараб ўзгартириши мумкин. Қўшимча маълумотлар келиб тушганида хизмат текшируви режасини қайта кўриб чиқиш ва янгилаш тавсия этилади.

I. Қисқача тавсиф

Кўриб чиқилаётган муаммо, унинг тўғрисидаги хабарнинг манбаси, ҳамда текширилаётган айбловларга қисқача тавсиф беринг.

II. Хизмат текшируви доираси

Хизмат текшируви қандай масалаларга қаратилган? Бирон-бир айблов ёки айбловнинг бир қисми хизмат текшируви доирасидан чиқарилиши керакми? Агар “ха” бўлса, илтимос, сабабларини келтиринг.

III. Комплаенс-сиёсатлари ва процедураларининг кўриб чиқилаётган тамойиллари, шунингдек, ҳуқуқий нормалар

Хизмат текшируви билан боғлиқ бўлган Компаниянинг комплаенс-сиёсатлари ва процедуралари (масалан, Ходимларнинг одоб-ахлоқ кодекси, манфаатлар тўқнашуви, порахўрликка ва коррупцияга қарши кураш сиёсатлари, Бизнес ҳамкорларни комплекс текшириш процедураси) тегишли қоидалари ва тамойилларини ҳавола қилиб кўрсатинг.

IV. Хизмат текширувини ўтказиш гуруҳи

Хизмат текширувига ким раҳбарлик қилади?

Хизмат текширувининг бориши тўғрисида хабардор қилиниши керак бўлган бошқа манфаатдор шахслар борми? Компаниянинг юридик бошқармасини жалб этишга зарурат борми?

Хизмат текширувига ташқи манбалар, бухгалтерлик экспертизаси бўйича мутахассислар, бошқа мутахассислар ва мустақил учинчи шахслар жалб этиладими? Агар жалб

именно, в каком порядке и через какое структурное подразделение Компании?

V. Источники доказательств

Ожидаемый объем хранения, сбора и изучения документов.

В чем распоряжении могут находиться необходимые для служебного расследования данные («хранители»)?

Следует ли сохранить или скопировать какие-либо электронные, письменные, находящиеся на материальных носителях или на сервере? Если да, как это будет сделано?

Нужен ли сбор данных для изучения? Как и где будут изучаться документы?

Требуется ли перевод каких-либо документов для их изучения?

Потребуется ли Руководителю служебного расследования консультация с юристами Компании по законодательству о конфиденциальности данных в связи с инструкцией по хранению документов или передаче данных?

В случае возникновения необходимости Руководитель служебного расследования должен иметь право изъять информацию, связанную со служебным расследованием, со служебных компьютеров лиц, связанных с объектом служебного расследования, а также иметь право ограничить доступ этих лиц к корпоративной почте и служебному компьютеру.

VI. Потенциальные опрашиваемые

Какие работники, деловые партнеры и иные лица могут иметь отношение к обозначенным обвинениям? Будет ли присутствовать на опросах юрист?

VII. Предполагаемые действия в рамках служебного расследования

Опишите действия, которые будут предприняты в ходе служебного расследования, включая информацию о последовательности действий и анализе.

VIII. График/ожидаемый срок завершения

Укажите ожидаемые даты завершения каждого этапа, исходя из степени сложности и характера

этих дел, а также ким, қандай тартибда ва Компаниянинг қайси таркибий бўлини маси орқали?

V. Далил манбалари

Ҳужжатларни сақлаш, йиғиш ва ўрганиш бўйича кутилаётган ҳажм.

Хизмат текшируви учун зарур бўлган маълумотлар (“маълумот сақловчилар”) кимнинг ихтиёрида бўлиши мумкин?

Моддий ташувчиларда ёки серверда жойлашган бирон-бир электрон, ёзма маълумотларни сақлаш ёки нусхалаш керакми? Агар шундай бўлса, бу қандай амалга оширилади?

Ўрганиш учун маълумотларни йиғиш керакми? Ҳужжатлар қандай ва қаерда ўрганилади?

Уларни ўрганиш учун бирон-бир ҳужжатни таржима қилиш керакми?

Хизмат текшируви раҳбарига ҳужжатларни сақлаш ва топшириш йўриқномаси талабларига кўра маълумотларнинг махфийлиги тўғрисидаги қонунчилик бўйича Компаниянинг юристлари билан маслаҳатлашиш керак бўладими?

Зарурат туғилганда, Ҳизмат текшируви раҳбари хизмат текшируви объекти билан боғлиқ бўлган шахсларнинг хизмат компьютерларидан хизмат текшируви билан боғлиқ маълумотларни олишга, шунингдек ушбу шахсларнинг корпоратив почта ва офис компьютерларидан фойдаланишларини чеклаш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

VI. Потенциал сўров қилинувчилар

Қайси ходимлар, бизнес ҳамкорлар ва бошқа шахслар белгиланган айбловларга алоқадор бўлиши мумкин? Сўров пайтида юрист иштирок этадими?

VII. Хизмат текшируви давомида мўлжалланаётган чоралар

Хизмат текшируви давомида амалга оширилиши мўлжалланаётган чораларни, шу жумладан, амаллар кетма-кетлиги ва таҳлилини таърифлаб беринг.

VIII. Жадвал/Яқунлаш учун мўлжалланган муддат

Хизмат текширувининг мураккаблиги ва хусусиятига қараб ҳар бир босқич учун

служебного расследования.

IX. Предварительная информация или факты

Перечислите основные доказательства, уже имеющиеся на момент начала служебного расследования.

Укажите, если какое-либо обвинение аналогично обвинениям, связанным с прошлыми проблемами или служебными расследованиями.

мўлжалланаётган якунлаш санасини кўрсатинг.

IX. Дастлабки маълумотлар ёки фактлар

Хизмат текширувини бошлаш пайтида мавжуд бўлган асосий далилларни санаб ўтинг.

Агар бирон-бир айблов муқаддам учраган муаммолар ёки хизмат текшируви билан боғлиқ айбловларга ўхшаш бўлса, кўрсатинг.

ИНСТРУКЦИЯ по сбору, изучению и анализу доказательств

В настоящем Приложении приведены рекомендуемые методы сбора, изучения и анализа доказательств.

I. Подготовка к сбору доказательств

1) Сформулируйте цели служебного расследования. Это поможет определить, какие обвинения вы будете проверять, какие документы и данные рассматривать, кого и в каком порядке опрашивать, и, в конечном итоге, сделать заключение.

2) В каждой стране есть законы, регулирующие сбор доказательств. Эти законы необходимо соблюдать в ходе служебного расследования. Если у Руководителя служебного расследования возникают вопросы о предусмотренных местным законодательством ограничениях в отношении сбора доказательств, необходимо проконсультироваться с юридическим управлением Компании, прежде чем продолжать служебное расследование.

3) При осуществлении доступа к персональным данным работников или других физических лиц («хранителей») в рамках сбора доказательств (например, к видеоматериалам, аудиозаписям, служебным компьютерам независимо от того, имеют ли они отношение к предприятию), необходимо указать причину сбора доказательств (в том числе правовое основание, если применимо) и учесть права на конфиденциальность частной жизни, которыми могут располагать работники и другие физические лица.

II. Сбор доказательств

В процессе сбора доказательств осуществляется доступ только к таким персональным данным и использование только таких персональных данных, которые необходимы для достижения целей сбора доказательств. В связи с этим, прежде чем приступить к сбору доказательств, обдумайте, сформулируйте и зафиксируйте документально каждый из следующих вопросов:

Далилларни йиғиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Иловада далилларни йиғиш, текшириш ва таҳлил қилиш учун тавсия этилган усуллар келтирилган.

I. Далилларни йиғишга тайёргарлик

1) Хизмат текшируви мақсадини белгиланг. Бу сиз қандай айбловларни текширишингизни, қандай ҳужжатлар ва маълумотларни кўриб чиқишингизни, ким билан ва қандай тартибда сўров ўтказишингизни ва охир-оқибат хулоса чиқаришни аниқлашга ёрдам беради.

2) Ҳар бир мамлакатда далиллар йиғишни тартибга солувчи қонунлар мавжуд. Хизмат текшируви давомида мазкур қонунларга риоя қилиниши лозим бўлади. Агар Хизмат текширувининг раҳбариди далилларни йиғиш юзасидан маҳаллий қонунчиликда назарда тутилган чекловлар бўйича саволлар туғилса, у ҳолда хизмат текширувини бошлашдан олдин Компаниянинг юридик бошқармаси билан маслаҳатлашиш лозим.

3) Ходимлар ёки бошқа шахслар (“маълумот сақловчилар”) нинг шахсий маълумотларига оид (масалан, уларнинг корхона билан боғлиқлигидан қатъи назар, видеоматериаллар, аудиоёзувлар, офис компьютерлари каби) далилларни йиғишда унинг сабабини (жумладан, мавжуд бўлса, ҳуқуқий асосини) кўрсатиш ва ходимлар ҳамда бошқа шахслар эга бўлиши мумкин бўлган шахсий ҳаётнинг махфийлиги ҳуқуқларини ҳисобга олиш зарур.

II. Далилларни йиғиш

Далилларни йиғиш жараёнида фақатгина далилларни йиғиш мақсадларига эришиш учун зарур бўлган шахсий маълумотларга кириш ва фақат шундай шахсий маълумотлардан фойдаланиш қўлланилади. Шунинг учун, далилларни йиғишни бошлашдан олдин қуйидаги саволларнинг ҳар бирини ўйлаб кўринг, баён қилинг ва ҳужжатлаштиринг:

– У каких «хранителей» вы планируете получить доказательства?

– Какого рода доказательства вы собираете? (хранится ли информация в электронном виде? На бумажных носителях?)

– Где находятся доказательства? (источники информации, места физического хранения).

– Как вы будете собирать доказательства? (сохранять информацию о «цепочке хранения», где указывается, откуда поступают доказательства, кто их хранит и пересылает, и кто имеет к ним доступ).

– Что вы собираетесь изучать? (используемые в Компании портативные компьютеры, сообщения электронной почты, физические места хранения).

– Обратите внимание, что методы сбора доказательств различаются в зависимости от источника данных. Если речь идет о компьютерной информации (копии жесткого диска для экспертизы), ее сохранность обычно зависит от соблюдения работником предписания о хранении.

– Помните, что мониторинг и изучение сообщений электронной почты и документов работника должны вестись в строгом соответствии с трудовым договором соответствующего работником, с учетом применяемых в конкретных странах особых требований к конфиденциальности и защите данных.

– Намерены ли вы уведомить персонал о служебном расследовании?

– Как вы можете обосновать сбор и изучение конкретных данных?

Помимо документов на материальных носителях, в распоряжении физических и юридических лиц могут находиться большие объемы данных, хранящихся разными способами и в разных местах. При сборе данных необходимо выполнять следующие задачи:

- выявляйте и собирайте потенциально относящиеся к делу данные (понятие относимости разъяснено подробнее далее);
- выявляйте и представляйте относящиеся к изучаемой проблеме;
- всегда ориентируйтесь на практические правовые вопросы, такие как законодательство о защите персональных данных, включая обязательства по уведомлению и правовые

– Қайси “ахборот ташувчилар” дан далил олишни режалаштиргансиз?

– Сиз қандай далилларни йиғмоқдасиз? (ахборот электрон шаклда сақланадими? Қоғоздами?)

– Далиллар қаерда? (маълумот манбалари, сақланаётган жойлари).

– Далилларни қандай қилиб йиғасиз? (далиллар қаердан келиб чиққанлиги, уларни ким сақлаётгани ва узатаётгани ва улардан хабардор бўлган шахслар кўрсатилган "сақлаш занжири" ҳақидаги маълумотларни сақланг).

– Сиз нимани ўрганиб чиқмоқчисиз? (Компанияда ишлатиладиган ноутбуклар, электрон почта хабарлари, сақлаш жойлари).

– Далилларни йиғиш усуллари маълумот манбаларига қараб фарқланишига эътибор беринг. Агар гап компьютер маълумотлари (экспертиза учун қаттиқ дискнинг нусхалари) ҳақида бораётган бўлса, унинг хавфсизлиги одатда ходимнинг сақлаш бўйича кўрсатмаларга риоя қилишига боғлиқ.

– Шунини ёдда тутингки, ходимларнинг электрон почта хабарлари ва ҳужжатларини мониторинг қилиш тегишли ходим билан тузилган меҳнат шартномасига қатъий мувофиқ равишда, муайян мамлакатларда махфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланиладиган махсус талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

– Ходимларни хизмат текшируви тўғрисида хабардор қилиш ниятингиз борми?

– Сиз муайян маълумотларни йиғиш ва ўрганишни қандай асослаб беришингиз мумкин?

Жисмоний ва юридик шахслар ихтиёрида ахборотни моддий ташувчилардан ташқари турли хил усулларда ва турли жойларда сақланадиган катта ҳажмдаги маълумотлар мавжуд бўлиши мумкин. Маълумот йиғишда қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

- ишга потенциал зид бўлган маълумотларни аниқланг ва йиғинг (тегишлилик тушунчаси қуйида батафсилроқ тушунтирилган);
- текшириладиган Муаммога тегишли бўлган маълумотларни аниқланг ва тақдим этинг;
- шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик, шу жумладан, билдириш мажбуриятлари ва маълумотлар тўплашнинг ҳуқуқий асослари каби амалий

основы сбора данных.

III. Обработка и изучение доказательств

При обработке данных, в особенности электронных, Руководителю служебного расследования необходимо учесть ряд аспектов.

Затраты: Обработка электронных данных, пожалуй, самый дорогостоящий этап их изучения.

Прозрачность: На этапе обработки данных довольно часто возникают проблемы, относящиеся к сфере информационных технологий, которые в наименьшей степени способен контролировать Руководитель служебного расследования.

Проблемы трансграничной передачи данных: Подумайте, как передать данные законным способом.

Безопасность данных: Подумайте, не потребуется ли заключить соглашение с поставщиком услуг обработки данных и (или) привлечь специалистов в сфере информационных технологий.

IV. Анализ доказательств

Необходимо определить степень отношения к делу и степень важности каждого доказательства. Также необходимо решить, можно ли установить подлинность доказательства, и является ли оно прямым или косвенным. И наконец, подумайте, не может ли рассматриваемое доказательство быть опровергнуто другими доказательствами. Доказательства, не имеющие значения или утратившие значения, должны быть удалены. Если вы анализируете доказательства, относящиеся к обвинению в наличии конфликта интересов, необходимо также учесть нижеследующие рекомендации.

Относимость. Относимость доказательства определяется его способностью охарактеризовать один из ключевых фактов, относящихся к служебному расследованию, как более или менее вероятный.

Основные вопросы, на которые надо ответить, определяя относимость доказательства:

– Какой факт доказывает или опровергает данное доказательство?

хукуқий масалаларни доимо мўлжалда тутинг.

III. Далилларни қайта ишлаш ва ўрганиш

Маълумотларни, айниқса электрон маълумотларни қайта ишлашда Хизмат текшируви раҳбари қатор жиҳатларни эътиборга олиши керак.

Харажатлар: Электрон маълумотларни қайта ишлаш уларни ўрганишнинг энг харажатли қисмидир.

Шаффофлик: Маълумотларни қайта ишлаш босқичида кўпинча ахборот технологиялари соҳасига оид муаммолар пайдо бўлади, Хизмат текшируви раҳбарига уларни бошқариш айниқса қийинчилик туғдиради.

Маълумотларни трансчегаравий узатиш муаммолари: Маълумотларни қонуний йўллар билан қандай узатишни кўриб чиқинг.

Маълумотлар хавфсизлиги: Маълумотларни қайта ишлаш хизматларини кўрсатувчиси билан шартнома тузишингиз ва/ёки ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларини жалб қилишингиз керакми ёки йўқми, ўйлаб кўринг.

IV. Далилларнинг таҳлили

Ҳар бир далилнинг ишга тегишлилик ва аҳамиятли даражасини аниқлаш керак. Шунингдек, далилларни асл эканлигини, шунингдек, бевосита ёки билвосита эканлигини аниқлаш имкони бор-йўқлигини ҳал қилиш керак. Ва ниҳоят, кўриб чиқиладиган далиллар бошқа далиллар билан рад этилиши мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида ўйлаб кўринг. Аҳамиятга эга бўлмаган ёки аҳамиятини йўқотган далилларни олиб ташлаш керак. Агар сиз Манфаатлар тўқнашувига оид айбловга тегишли далилларни таҳлил қиладиган бўлсангиз, қуйидаги кўрсатмаларга ҳам эътибор қаратишингиз лозим.

Тегишлилик. Далилнинг тегишлилиги унинг хизмат текшируви билан боғлиқ бўлган асосий фактлардан бирини у ёки бу даражадаги эҳтимолининг мавжудлигини тавсифлаш қобилияти билан белгиланади.

Далилларнинг тегишлилигини аниқлашда қуйидаги асосий саволларга жавоб топиш керак:

– Ушбу далилни қайси факт тасдиқлайди ёки рад этади?

- Подтверждает или опровергает соответствующий факт рассматриваемое доказательство?
- Играет ли соответствующий факт важную роль?
- Всегда соотносите каждое доказательство с конкретной проблемой.
- Кўриб чиқиладиган далил тегишли фактни исботлайдими ёки рад этадими?
- Тегишли факт муҳим рол ўйнайдими?
- Ҳар бир далилнинг доимо маълум бир муаммога тегишлилигини аниқланг.

Доказательная сила. Если доказательство имеет отношение к расследуемой Проблеме, следующий вопрос, который необходимо задать – какова его доказательная сила?

Исботлаш кучи. Агар далил текшириладиган Муаммога тегишли бўлса, кейинги бериладиган савол - унинг исботлаш кучи қандай?

Основные вопросы при оценке доказательной силы:

Исботлаш кучини баҳолашда асосий саволлар:

- Какова связь между предлагаемым доказательством и выводом, который оно подтверждает?
- Насколько убедительны альтернативные выводы, которые могли бы объяснить предлагаемое доказательство?
- Примеры:
- Таклиф қилинадиган далил ва у қўллаб-қувватлайдиган хулоса ўртасида қандай боғлиқлик бор?
- Таклиф қилинадиган далилни тушунтириши мумкин бўлган муқобил хулосалар қанчалик ишончли?
- Мисоллар:

- Высокая доказательная сила: экспертиза компьютерных данных, проведенная Управлением по информационной безопасности и развитию информационных технологий Компании, показала, что сообщение электронной почты было отправлено с компьютера, принадлежащего г-ну «Х».
- Юқори исботлаш кучи: Компаниянинг Ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси томонидан ўтказилган компьютер маълумотларининг экспертизаси электрон почта хабари жаноб “Х”га тегишли компьютердан юборилганлигини кўрсатди.

- Маленькая доказательная сила: экспертиза компьютерных данных, проведенная Управлением по информационной безопасности и развитию информационных технологий Компании, показала, что сообщение электронной почты было отправлено с компьютера того же типа, что и компьютер, используемый г-ном «Х».
- Камроқ исботлаш кучи: Компаниянинг Ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси томонидан ўтказилган компьютер маълумотларининг экспертизаси электрон почта хабари жаноб “Х”га тегишли компьютер билан бир хил турдаги компьютердан юборилганлигини кўрсатди.

Установление подлинности. Необходимо установить подлинность физических доказательств. Установление подлинности подразумевает способность продемонстрировать, что в качестве доказательства предъявляется именно то, что было заявлено.

Ҳақиқийлигини аниқлаш. Жисмоний далилларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш керак. Ҳақиқийлигини аниқлаш деганда далил сифатида даъво қилинган нарсани айнан ўзи тақдим этилганлигини намойиш этиш қобилияти тушунилади.

Вопросы, которые необходимо задать при оценке подлинности:

Ҳақиқийликни баҳолашда берилиши лозим бўлган саволлар:

- Существует ли презумпция подлинности? Пример: учетные данные предприятия.
- Может ли свидетель утверждать, основываясь на личном знании, что демонстрируется подлинное доказательство? Пример:
- Ҳақиқийлик презумпцияси борми? Мисол: корхонани рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар.
- Гувоҳ ўзининг шахсий билимларига асосланиб ҳақиқий далил намойиш этиладигани тўғрисида таъкидлай оладими? Мисол: қўл ёзувини

установление подлинности почерка

– Может ли свидетель, знакомый с голосом того или иного лица, опознать этот голос на записи?

– Есть ли другие причины считать, что в качестве доказательства предъявляется именно то, что было заявлено?

Прямые и косвенные доказательства. Следует помнить о разнице в оценке косвенных и прямых доказательств.

– Прямое доказательство – это прямое подтверждение факта, такое как показания свидетеля о том, что он видел, слышал или делал лично.

– Косвенное доказательство – подтверждение одного из нескольких фактов, из которых можно вывести другой факт.

– Косвенные доказательства действительны так же, как и прямые, но лежащие в их основе связи требуют разъяснения.

Пример №1: Доказательство того, что участник, предложивший самую высокую цену и имеющий худшую историю работы, выиграл тендер является косвенным доказательством фальсификации тендера.

Пример №2: Показания свидетеля о том, что участник тендера заплатил кому-то из отдела закупки, чтобы он продвинул его предложение, или сообщение электронной почты с обсуждением «отката» за выигрыш были бы прямым доказательством фальсификации тендера.

Подумайте, можно ли опровергнуть доказательства и не существует ли альтернативных объяснений.

Пример №1: Участник, выигравший тендер мог сделать предложение, лучшее с точки зрения общей ценности, несмотря на высокую цену; жалобы на его работу поступали давно и по поводу других видов деятельности поставщика, не имеющих отношение к рассматриваемому тендеру.

Пример №2: Свидетель мог дать ложные показания, обсуждавшиеся в электронном письме, «откат» мог быть отвергнут и т.п.

Конфликт интересов. Согласно Кодексу поведения сотрудников и Политике по конфликтам интересов Компании конфликт

аниқлаш.

– У ёки бу одамнинг овози билан таниш бўлган гувоҳ бу овозни ёзувда аниқлай оладими?

– Далил сифатида даъво қилинган нарсани айнан ўзи тақдим этилган деб ҳисоблаш учун бошқа сабаблар борми?

Бевосита ва билвосита далиллар. Билвосита ва бевосита далилларни баҳолашдаги фарқни ёдда тутиш керак.

– Бевосита далил – фактнинг бевосита тасдиғи, масалан, гувоҳнинг ўзи шахсан кўргани, эшитгани ёки қилгани ҳақида гувоҳлик бериши.

– Билвосита далил – бошқа фактни хулоса қилиш мумкин бўлган битта ёки бир нечта фактларнинг тасдиғи.

– Билвосита далиллар бевосита далиллар каби ҳақиқийдир, аммо уларнинг заминида ётган алоқалар тушунтиришни талаб қилади.

1-мисол: Тендерда энг юқори нархни тақлиф этган ва ишлаш тажрибаси бошқалардан саёз бўлган иштирокчининг ғолиб чиққанлиги тендер сохталаштирилганининг билвосита далилидир.

2-мисол: Гувоҳнинг тендер иштирокчиси харидорлар бўлимидаги у-бу кимга ўзининг тақлифини илгари суриш учун пул тўлагани тўғрисидаги кўрсатмалари ёки ғолиб чиқиш учун “улуш” бериш тўғрисида муҳокама ўрин олган электрон почта ёзишмаси тендер сохталаштирилганининг бевосита далили бўлади.

Далилларни рад этиш мумкин ёки мумкин эмаслиги ва муқобил тушунтиришлар бор-йўқлигини ўйлаб кўринг.

1-мисол: Ғолиб бўлган иштирокчи юқори нархига қарамай, умумий жиҳатдан яхшироқ бўлган тақлифни киритган бўлиши мумкин; унинг ишига кўриб чиқилаётган тендер билан боғлиқ бўлмаган фаолият турлари юзасидан анча олдин ҳам шикоятлар келиб тушган.

2-мисол: Гувоҳ электрон почтада муҳокама қилинган ёлғон кўрсатма бериши мумкин, “улуш” рад этилган бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Манфаатлар тўқнашуви. Ходимларнинг одоб-ахлоқ Кодекси ва Компаниянинг манфаатлар тўқнашуви сиёсатида кўра, Манфаатлар

интересов может возникнуть в случае, когда возникает противоречие между работой и личными интересами.

Анализируя доказательство, важно отличать конфликт интересов от рутинных, не содержащих виновных действий взаимоотношений. Другими словами, «связь» работника с поставщиком (через прошлые трудовые отношения, трудовые отношения поставщика с членами семьи работника) не обязательно подразумевают конфликт интересов.

При определении наличия конфликта интересов важно учесть ряд факторов:

- Подтверждает ли имеющаяся взаимосвязь конфликта интересов или только предполагает его возможность?
- Была ли раскрыта информация о рассматриваемых взаимоотношениях?
- Влияют ли рассматриваемые взаимоотношения на деловые решения?
- Визировал ли соответствующий работник счета рассматриваемого поставщика?

При наличии сомнений Политика по конфликтам интересов Компании требует: «Если вы полагаете, что у вас возник фактический, предполагаемый или потенциальный конфликт интересов, или что другие лица могут счесть ту или иную деятельность или отношения, в которых вы участвуете, Конфликтом интересов, вы обязаны немедленно сообщить об этом своему непосредственному руководителю и/или Департаменту по комплаенсу».

тўқнашуви иш ва шахсий манфаатлар ўртасида зиддият юзага келганда пайдо бўлиши мумкин.

Далилларни таҳлил қилишда Манфаатлар тўқнашувининг таркибида айбли ҳаракатлар мавжуд бўлмаган одатий муносабатлардан ажрата олиш муҳимдир. Бошқача айтганда, ходим ва етказиб берувчи ўртасидаги (ўтмишдаги меҳнат муносабатлари, етказиб берувчи ва ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари орқали) “алоқаси” шартли равишда манфаатлар тўқнашувини англамайди.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини аниқлашда бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарур:

- Мавжуд ўзаро муносабатлар манфаатлар тўқнашувини таъкидлайдими ёки фақат унинг эҳтимолини кўрсатадими?
- Кўриб чиқиладиган муносабатлар ҳақида маълумот ошкор қилинганми?
- Кўриб чиқиладиган муносабатлар иш билан боғлиқ қарорларга таъсир қиладими?
- Тегишли ходим кўриб чиқиладиган етказиб берувчининг ҳисобларига имзо чекиб (виза орқали) розилик билдирганми?

Иккиланиш мавжудлигида Компаниянинг Манфаатлар тўқнашуви сиёсати куйидагиларни талаб қилади: “Агар сизда ўзингизнинг ҳақиқий, тахмин қилинган ёки эҳтимолли манфаатлар тўқнашуви юз бергани ёки бошқалар сиз иштирок этадиган муайян фаолият ёки муносабатларни Манфаатлар тўқнашуви деб ҳисоблаши мумкинлиги тўғрисида фикр пайдо бўлса, бу ҳақда дарҳол ўзингизнинг раҳбарингизга ва/ёки Комплаенс департаментига хабар беринг”.

ИНСТРУКЦИЯ по подготовке и проведению опросов свидетелей и иных вовлеченных лиц

В настоящем Приложении приведены рекомендации по подготовке и проведению опросов в ходе служебного расследования.

I. Предварительная подготовка

- 1) Всегда относитесь к опросу как к «разговору с определенной целью», цель которого узнать «полезные» факты или разобраться в контексте, относящемся к Сообщению о нарушении.
- 2) Помните, что успех опроса зависит от отношения к нему лица, проводящего опрос и его способности оценить готовность опрашиваемого к сотрудничеству и добиться этой готовности.
- 3) С самого начала избегайте типичных ошибок, таких как плохое планирование, неадекватное разъяснение опрашиваемому ситуации в самом начале опроса, необоснованное повторение вопросов, предвзятое отношение опрашивающего, предполагающего вину опрашиваемого, которое мешает опрашивающему быть объективным.

II. Планирование опроса

Приведенный ниже план поможет Вам спланировать опрос, уяснив заранее его цель, в том числе, поняв, какую информацию Вы рассчитываете получить и зачем.

- Изучите полностью всю имеющуюся информацию по вопросу и все имеющиеся доказательства, чтобы определить ключевые моменты и основные аспекты, которые вы хотите выяснить;
- Подумайте, что может дать планируемый опрос с точки зрения служебного расследования, например, помочь в профессиональной оценке предмета служебного расследования, в установлении графика (кто, когда, где, как и т.п.);
- Отражайте все принятые Вами решения с указанием их причин.

Гувоҳлар ва бошқа жалб этилган шахсларни сўров қилишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Иловада хизмат текшируви жараёнида сўровномаларни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мавжуд.

I. Дастлабки тайёргарлик

- 1) Ҳар доим сўровномани “фойдали” фактларни билишга ёки қоидабузарлик тўғрисидаги хабарнинг контекстига аниқлик киритишга қаратилган “муайян мақсадли суҳбат” деб билинг.
- 2) Сўровноманинг муваффақияти сўров ўтказаетган шахснинг унга бўлган муносабати суҳбатдошнинг ҳамкорлик қилиш истагини баҳолаш ва ушбу истакка эришиш қобилиятига боғлиқлигини унутманг.
- 3) Бошиданок саёз режалаштириш, суҳбатнинг бошида суҳбатдошга вазиятни етарли даражада тушунтириб бермаслик, саволларни асоссиз такрорлаш, сўров қилинаётган шахсни айбдорлигини назарда тутувчи, суҳбатдошнинг объектив бўлишига тўсқинлик қиладиган ғайрихолислик каби кенг тарқалган хатолардан қочинг.

II. Сўровни режалаштириш

Қуйида келтирилган схема сўровномангизнинг мақсадини, жумладан, қандай ва нима учун маълумотларни олишни кутаётганингизни олдиндан билиб олиш орқали режалаштиришда ёрдам беради.

- Сиз билмоқчи бўлган муҳим фикрларни ва асосий жиҳатларни аниқлаш учун ушбу масала бўйича мавжуд барча маълумотлар ва далилларни тўлиқ ўрганиб чиқинг;
- Режалаштирилган сўров хизмат текшируви нуктаи назаридан нимани бериши мумкинлигини ўйлаб кўринг, масалан, хизмат текшируви мавзусини профессионал баҳолашда, жадвални тузишда (ким, қачон, қаерда, қандай ва бошқалар) ёрдам бериши мумкин;
- Қабул қилган барча қарорларингизни сабаблари билан ақс эттиринг.

Решите, кого опрашивать. Часто Ваше решение будет зависеть от близости того или иного лица к соответствующим фактам с учетом его настоящих или прошлых профессиональных функций. Решая, кого опрашивать, не забывайте о следующих аспектах:

- Подумайте, есть ли возможность привлечь бывших работников, можно ли стимулировать их к добровольному участию.
- Обдумайте вопросы соблюдения конфиденциальности.
- Не проводите совместных и групповых опросов.
- Продумайте последовательность опросов.

Решите, кто будет проводить опрос. Если возможно, предусмотрите наличие двух опрашиваемых лиц, одно из которых будет делать записи. Для этой роли подходят как сторонний и/или штатный юрисконсульт, так и сотрудник Департамента по комплаенсу.

Когда следует проводить опрос? В идеале лучше проводить опросы после того, как вы закончили изучение всех относящихся к делу документов и сообщений электронной почты. Если вы используете документы при опросе, разложите их в логичном порядке и продумайте, на какую их часть будете ссылаться в ходе опроса. После надлежащей подготовки проводите опросы как можно скорее, так как важно получить как можно больше информации до того, как рассматриваемые события изгладятся из памяти свидетелей.

Где следует проводить опрос? У каждого из потенциальных мест проведения опроса есть свои преимущества. Можно проводить опрос по месту деятельности стороннего юрисконсульта, по месту деятельности опрашиваемого или на «нейтральной» территории. Решайте, какое место лучше выбрать, исходя из конкретных обстоятельств расследуемого дела. В приведенной ниже таблице содержатся некоторые соображения, которыми часто руководствуются при выборе места опроса:

Кимни сўров қилишни ҳал қилинг. Кўпинча сизнинг қарорингиз у ёки бу шахснинг ҳозирги ёки ўтмишдаги профессионал мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли фактларга яқинлигига боғлиқ бўлади. Ким билан суҳбат ўтказишни ҳал қилишда қуйидаги жиҳатларни ёдда тутинг:

- Собиқ ходимларни жалб қилишнинг бирон-бир усули бор-йўқлигини, уларни кўнгилли бўлишга ундаш имконини ўйлаб кўринг.
- Махфийликка риоя қилиш масалаларини кўриб чиқинг.
- Биргаликда ёки гуруҳда сўров ўтказманг.
- Сўровларнинг кетма-кетлигини кўриб чиқинг.

Сўровномани ким ўтказишини ҳал қилинг. Иложи бўлса, сўров қилувчи икки нафар бўлиши, улардан бирининг ёзиб бориши имкони ҳақида ўйлаб кўринг. Ушбу роль учун ташқи ва/ёки штатдаги юрисконсульт ҳам, Комплаенс департаменти ходими ҳам мос келади.

Сўровни қачон ўтказиш лозим? Идеал ҳолда, сўровларни барча тегишли ҳужжатлар ва электрон почта хабарларини ўрганишни тугатгандан сўнг ўтказиш яхшироқдир. Агар сиз сўровда ҳужжатлардан фойдалансангиз, уларни мантикий тартибда жойлаштиринг ва сўров давомида уларнинг қайси қисмига мурожаат қилишингизни ўйлаб кўринг. Тегишли тайёргарликдан сўнг, суҳбатларни иложи борица тезроқ ўтказинг, чунки кўриб чиқиладиган воқеалар гувоҳлар хотирасидан ўчирилишидан олдин иложи борица кўпроқ маълумот олиш муҳимдир.

Сўровни қаерда ўтказиш лозим? Сўровномани ўтказиш учун эҳтимолли жойларининг ҳар бири ўз афзалликларига эга. Сўровни учинчи томон юрисконсультининг иш жойида, суҳбатдошнинг иш жойида ёки “бетараф” ҳудудда ўтказишингиз мумкин. Қайси жой яхшироқ бўлишини текшириладиган ишнинг аниқ тафсилотларига қараб, ҳал қилинг. Қуйидаги жадвалда сўров ўтказиладиган жойни танлашда кўпинча фойдаланадиган айрим кўрсатмалар мавжуд:

| <p>По месту деятельности опрашиваемого /Сўров қилинаётган одамнинг иш жойида</p> | <p>По месту деятельности стороннего юрисконсульта / Учинчи томон юрисконсултининг иш жойида</p> | <p>На «нейтральной» территории (не по месту деятельности стороннего юрисконсульта или опрашиваемого) / “Бетараф” (сўров қилинаётган шахс ёки учинчи томон юрисконсултининг иш жойи бўлмаган) ҳудудда</p> |
|--|---|--|
| <p>Более комфортная/знакомая опрашиваемому обстановка поможет лучше вспомнить факты, не чувствовать себя испуганным / Сўров қилинаётган шахс учун қулайроқ/таниш бўлган муҳит далилларни яхшироқ эслашга, кўрқувни ҳис қилмасликка ёрдам беради</p> | <p>Более официально, может возникнуть ощущение серьезности происходящего и испуг / Расмий муҳитда жиддийлик ва кўрқув ҳисси пайдо бўлиши мумкин</p> | <p>Необходимо учитывать достоинства и недостатки каждого места проведения опроса в зависимости от конкретных обстоятельств расследуемого дела / Текширилатган ишнинг ўзига хос ҳолатларига қараб, ҳар бир суҳбат жойининг афзалликлари ва камчиликлари кўриб чиқилиши керак</p> |
| <p>Более эффективно при проведении серии опросов лиц из одной и той же компании / Бир компаниянинг шахслари билан қатор сўровлар ўтказишда самаралироқ</p> | <p>Меньше мешает работе опрашиваемого, особенно если проводится несколько опросов / Сўров иштирокчисининг ишига камроқ халақит беради, айниқса бир неча сўров ўтказилганда</p> | |
| <p>Другие лица или обстоятельства могут прерывать опрос/есть опасность нарушения конфиденциальности / Бошқа шахслар ёки ҳолатлар сабабли сўров узилиши мумкин/махфийликни бузилиш хавфи мавжуд</p> | <p>Больше возможностей обеспечить конфиденциальность / Махфийликни таъминлаш имкониятлари кўпроқ</p> | |

Какое бы место Вы ни выбрали, надо позаботиться о том, чтобы Вас как можно меньше прерывали и отвлекали. Кроме того, подумайте, как будет опрашиваемый воспринимать Ваше размещение относительно друг друга – как располагающее к участию или к конфронтации.

Как проводить опрос? Ниже описаны ключевые стратегические решения, которые рекомендуется принять до проведения опроса и которые могут с самого начала задать тон диалога:

- Продумайте ходы перед началом опроса

Қайси жойни танлаган бўлишингиздан қатъи назар, сизга имкон қадар камроқ халақит берилиши ва чалғитилиши тўғрисида ўйлаб кўришингиз керак. Шунингдек, сўров қилинадиган шахс бир-бирингизга нисбатан жойлашувингизни қандай қабул қилишини - иштирок этишга ёки қарама-қаршилик учун қулай деб ҳисоблашини ўйлаб кўринг.

Сўров қандай ўтказилади? Сўровни бошлашдан олдин бажарилиши тавсия этилган, унинг бошланишиданок мулоқот оҳангини белгилашлари мумкин бўлган стратегик қарорлар қуйида келтирилган:

- Сўровни бошлашдан олдин қадамларни пухта

(включите темы опроса, указания по соблюдению опрашиваемым конфиденциальности и протокол);

- Решите заранее, что вы скажете работникам о причине и предмете расследования;
- Решите заранее, будете ли вы использовать заранее подготовленные в письменном виде вопросы в ходе опроса. Это помогает добиться единообразия в некоторых аспектах, но такие средства требуют гибкого подхода при использовании;
- Приготовьтесь запротоколировать в письменном виде весь ход беседы наряду с осуществлением аудиозаписи проведенного опроса;
- Ознакомьтесь заранее с требованиями местного законодательства;
- Внимательно изучите правила внутреннего трудового распорядка компании;
- Определите, требуется ли разрешение на проведение опросов (и каковы возможные последствия его отсутствия);
- Соотнесите требования с целью и задачами служебного расследования.

III. Проведение опроса

Начало опроса. Первое впечатление играет большую роль! Важно, чтобы опрос с первых секунд происходил в обстановке доверия и взаимопонимания, и чтобы такая обстановка сохранялась до самого конца. Ниже приведены несколько правил, которые надо помнить с начала опроса:

- Будьте вежливы и любезны, даже если Вы предвидите враждебную реакцию опрашиваемого на некоторые вопросы;
- Относитесь к опрашиваемому как к личности, думайте о том, какие потребности у него могут возникнуть, исходя из особенностей его речи, культуры, эмоционального настроения и других факторов;
- Объясните причины проведения опроса, кратко описав сложившуюся ситуацию. Заверьте опрашиваемого в том, что вам поручено исследовать факты, относящиеся к сообщению о нарушении, и что вы не должны и не будете принимать решений по поводу истинности

ўйлаб кўринг (сўровнома мавзулари, суҳбатдошинг махфийликка рия қилиши бўйича кўрсатмалар ва баённомани киритинг);

- Текширувнинг сабаби ва мавзуси тўғрисида ходимларга нима дейишингизни олдиндан ҳал қилинг;
- Сўров давомида олдиндан ёзма равишда тайёрланган саволлардан фойдаланасизми ёки йўқлигини олдиндан ҳал қилинг. Бу баъзи жиҳатларда бир хилликка эришишга ёрдам беради, аммо бундай воситалар мослашувчан ёндашувни талаб қилади;
- Ўтказилган сўровнинг аудио ёзувлари билан бир қаторда сўров давомида баён ёзиб олишга тайёрланиб қўйинг;
- Маҳаллий қонунчилик талаблари билан олдиндан танишинг;
- Компаниянинг ички меҳнат қоидаларини диққат билан ўрганиб чиқинг;
- Сўров ўтказиш учун рухсат зарур ёки йўқлигини (ва рухсатсиз ўтказиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини) аниқланг;
- Хизмат текширувининг мақсади ва вазифаларини талабларга мослаштиринг.

III. Сўровни ўтказиш

Сўровни бошлаш Биринчи таассурот катта роль ўйнайди! Сўров биринчи сонияларданок ишонч ва ўзаро тушуниш муҳитида ўтиши ва бундай муҳит охиригача давом этиши муҳимдир. Сўровномани бошлашда ёдда тутиш керак бўлган бир нечта қоидалар:

- сўров иштирокчисининг баъзи саволларга нисбатан душманона муносабатини олдиндан билсангиз ҳам, унга мулойим ва хушмуомала бўлинг;
- сўров иштирокчисини шахс деб қабул қилинг, унинг нутқи, маданияти, ҳиссий кайфияти ва бошқа омилларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, қандай эҳтиёжлари бўлиши мумкинлигини ўйланг;
- вазиятни қисқача тавсифлаб, сўровнинг сабабларини тушунтиринг. Сўров иштирокчисини сизга қоидабузарлик билан боғлиқ фактларни текшириш вазифаси юклангани ва айбловларнинг ҳақиқат эканлиги тўғрисида тегишли далиллар тўпланмагунча ва хизмат текшируви

обвинений, пока не будут собраны надлежащие доказательства и не будет проведено служебное расследование;

- Объясните порядок проведения опроса («изложите базовые правила»), в том числе роль каждого из присутствующих, возможную продолжительность (расскажите о перерывах) и общую структуру, в том числе расскажите, планируете ли вы использовать документы;

- Объясните, что вы ждете от опрашиваемого полного изложения фактов своими словами, без каких-либо измышлений;

- Объясните всем опрашиваемым их права и обязанности, а также напомните им о том, что Компания относится благосклонно к лицам, вовлеченным в служебное расследование, которые добросовестно сообщают информацию, относящуюся к расследованию.

Общие методы и цели опроса:

- Постарайтесь, чтобы Вашу беседу не прерывали.

- Формулируйте вопросы, требующие развернутого ответа, пусть опрашиваемый рассказывает вам историю.

- Будьте активным слушателем.

- Поощряйте попытки вспоминать факты.

- Просите опрашиваемых подтверждать, разъяснять и более развернуто описывать свою версию событий.

- Обобщайте, прежде чем двигаться дальше.

- Раскрывайте противоречивые факты, будучи готовым при этом подстраиваться под особенности личности опрашиваемого и распознавать возможный обман.

Формулирование вопросов является особенно важным. Ниже приведены ключевые моменты, о которых надо помнить, формулируя вопросы:

- НЕ следует говорить самому большую часть времени.

- Выслушивайте ответы внимательно, чтобы убедиться в том, что вы получили ответ именно на заданный вопрос.

- Будьте готовы к разным версиям одного и того же события с разных точек зрения.

- Если это возможно, оставьте откровенно проблемные вопросы для последних стадий

ўтказилмагунча қарор қабул қилмаслигингиз лозимлиги ва қабул қилмаслигингизга ишонтиринг;

- суҳбат қандай ўтказилишини, шу жумладан, ҳар бир иштирок этган кишининг роли, вақт давомийлиги (танаффуслар ҳақида маълум қилинг) ва умумий тузилишни, ҳужжатларни ишлатишни режалаштираётганингизни тушунтиринг (“асосий қоидаларни белгилаб қўйинг”);

